

## Куннинг муҳим воқеалари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц 15-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Козогистон Республикаси Президенти Касим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 17 сентябрь кун Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия етакчиларининг иккинчи учрашувида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.




Австриянинг Вена шаҳрида Халқаро атом энергияси агентлиги бш конференциясининг 68-сессияси ўз ичиди бошлади.




«Узатом» агентлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, унда Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашпти.



Жанубий Корейнинг Конгвандо провинцияси Инже шаҳрида иккинчи марта Халқаро илмий-жанговар тайёргарлик мусобақаси ўтказилди. Унда иштирок этган ўзбекистонлик ҳарбийлар биринчи ўринни қўлга киритди.



45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг 5-турида Ўзбекистон эрақлар терма жамоаси Молдова терма жамоаси билан куч синашди.



Коракалпоғистон Республикасидаги ноёб табиий маскан - Борсакемлас ҳудудида «Сайёра» келажакга қўшган ҳиссамиз» халқаро экомарфони бўлиб ўтди.



Икки кун давом этган тадбир Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан «ProRun» югуриш мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилди.

# ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон касба уюшмалари саройида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори Сабина Махл ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



Учрашув давомида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори Сабина Махл ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган демократик ўзгаришлар ва Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган тизимли ва шиддатли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Натижада, аҳоли фаровонлиги муттасил юксалмоқда, иқтисодий тarmoқлари тубдан ўзгармоқда, кучли ижтимоий сибсат амалга оширилмоқда ва фаол фуқаролик жамияти шакллантирилмоқда, - деди жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. - 2023 йилда қабул қилинган Конституциямизнинг янги таҳририда «Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат» принципи конституциивий норма сифатида мустахкамланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Конституция норма-ларини ҳаётга татбиқ этиш натижасида аҳоли турмуш даражаси ва сифати ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг турли йўналишлар буйича ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистоннинг БМТдаги аъзолиги халқаро даражадаги глобал ва минтақавий муаммоларни кўриб чиқишда тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳамда қарорлар қабул қилишда қатнаш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари буйича 80 дан ортик халқаро ҳужжатларга, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган. Шу ўринда 2020 йилда Ўзбекистон Ҳукумати томонидан маъқулланган ва имзоланган 2021-2025 йиллар учун БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасидаги Хадли дастури (ЮНДАФ) алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳамкорликнинг Хадли дастури режалаштириш ва ривожланиш

соҳасида БМТнинг барча фаолиятини амалга оширишда асосий восита ҳисобланиши ҳамда Ўзбекистон Ҳукумати, Парламенти ва фуқаролик жамияти билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқилганлиги алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳамкорликнинг Хадли дастурида Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш борасида БМТнинг жамоавий жавоби ифодаланган. Ўзбекистон Республикаси ва дунёнинг бошқа мамлакатлари 2030 йилгача Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибига содиқлигини билдириш ва ўз зиммасига барқарор, кенг қамровли ва ривожланиб боровчи иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий интеграция ва атроф-муҳитни ҳимоялаш, шунингдек, сайёраимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшиш мажбуриятларини олди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 2024 йил 1 июлда Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентини «адолатли шароитларда гуллаб-яшнаш ғоясига содиқ етакчи» деб атади ва Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда БМТ тав-

сияларининг аксариятини қабул қилгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уларни амалга ошириши қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, учрашув давомида Сабина Махл Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар билан таништирилди. Мамлакатимизда касба уюшмалари фаолиятини самарали амалга ошириш учун барча шар-шароитлар, шу жумладан, зарур қонунчилик базаси яратилгани алоҳида таъкидланди. Бунинг натижасида касба уюшмалари томонидан ижтимоий-меҳнат соҳасига оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, ижтимоий шерикликни кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари ижросига қўмаклашиш, ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли, аynиқса, ижтимоий ҳимояталаб қатлам - аёллар, ёшлар, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти,

Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси ва бошқа қўллаб халқаро ҳамкорлар билан алоқаларни мустахкамлаш буйича тизимли ва аниқ мақсадли ишлар олиб боришмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси фаолиятида уч томонлама ижтимоий мулоқот муҳим йўналишлардан бири бўлиб, у муносиб меҳнат тамойиллари асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Хар уч йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида Бош жамоа келишуви имзола-ниши, Бош Жамоа келишуви асосида 14 та ҳудудий ва 102 та тармоқ жамоа келишувлари тузилгани, локал даражада 117 мингдан ортик жамоа шартномалари амал қилаётгани қайд этилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ошириш, бирлашиш эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш ва пахтачиликда мажбурий меҳнатга йўл қўймашлик буйича Ўзбекистон тажрибасини ижтимоий мулоқотнинг ижобий намунаси сифа-

тида эътироф этди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Барқарор ривожланиш мақсадлари, хусусан, 1-, 5-, 8-, 10-, 13-, 16-мақсадларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 8-мақсадни амалга ошириш борасида охириги йилларда катта ижобий ютуқларга эришилди. Аҳоли жон бошига Ялпи ички маҳсулотнинг (ВВП) барқарор ошиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймашлик, ХМТ Конвенцияларини ратификация қилиш шулар жумласидандир. 5-мақсадга эришишга ҳамоханг равишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида Гендер аудит ўтказмоқда.

Учрашувда таъкидланганидек, 2021 йилнинг сентябрь ойда Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида 2021-2025 йилларга Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат буйича мамлакат дастури имзоланган.

Ўз навбатида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Махл мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларга юқори баҳо берди. У Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг жадал динамикаси ва мисли қурилмаган юксак даражасини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Сабина Махл муваффақиятли амалга оширилаётган ҳамкорликдаги дастур ва лойиҳаларни алоҳида қайд этди. Хусусан, охириги йилларда Ўзбекистон ташаббусига кура БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилинганлигини таъкидлади.

Учрашувда, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг иш ўринлари яратиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш буйича глобал тезлаштирувчи ташаббусини қўллаб-қувватлагани ҳамда унинг доирасида тажриба алмашиш мақсадида 2024 йилда Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида «Ижтимоий ҳимоя: Барқарор ривожланиш йўли» мавзусидаги бутунжаҳон конференциясини ўтказиш таклифини билдириганини алоҳида таъкидлади.

Учрашув якуни буйича ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш ишларини давом эттириш, томонлар ўтказётган тадбирларда вакиллар иштирокини таъминлаш ҳамда ҳамкорликни янада ривожлантириш буйича келишиб олинди.

**Муҳаббат ҚРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

# Жавобини кутаётган саволлар

3-саҳифада ўқинг...

## Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

# 12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари буйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Миннатдорлик

**ИНСОН  
КИМНИНГДИР  
ЁРДАМИГА  
МУХТОЖ БЎЛИБ  
ҚОЛГАНИДА ЭНГ  
ЯҚИН КИШИСИ  
КЎЗ ЎНГИГА  
КЕЛАДИ.  
МЕНДА ҲАМ  
ШУНДАЙ  
БЎЛДИ.**



**ЎЗ ВАҚТИДА  
БЕРИЛГАН КЎМАК**

**Беш йилдан буён жигар саратони хасталиги билан курашман. II гуруҳ ногирониман. «Аёллар дафтари»да тураман. Берилаётган кўмаклардан беҳад миннатдорман.**

Зарурат юзасидан уйимни сотадиган бўлдим. Расмий-лаштириш учун нотариусга бордим. Ҳали у ҳужжат керак, ҳали бу ҳужжат керак, деб нақ икки ой сарсон қилишди. Шунда кўплаб аёлларнинг муаммолари 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қилинган мурожаатлар сабаб ҳал этилаётгани ёдимга тушди. Кўнғироқ қилиб, юзага келган аҳолини баён этдим.

Мушқулим бирпасда ечимини топди. «Ишонч телефони» жонимга ора кирди, қийналган пайтимда ҳақиқий суянч бўлди. Бунинг учун касабга уюшмалари Федерациясига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Шарофат ЖўРАЕВА**

Оқолтин тумани

**МУАММО ҚИСҚА  
МУДДАТДА  
ҲАЛ ЭТИЛДИ**

**Бир нафар фарзандим билан яшайман. Уй олиш учун ўтган йил августда Марҳамат туманидаги «Домстройсервис» МЧЖ корхонасига 165 миллион сўм (13 минг АҚШ доллари) миқдорда тўлов қилдим. Менга икки ойдан кейин яшаш учун барча шароитлари бўлган квартира калити топширилишини ваъда беришди. Аммо...**

Кўйнимни пуч ёнғоққа тўлдиришган экан. Йил бошида эшик, дераза ромлари ўрнатилмаган тўрт девордан иборат уйни кўрсатишди. Пулига куйган қалампир чайнабди, деганларидай, шуниси ҳам шукр, дейишдан бошқа чорам қолмади. Фақат эшик ва деразаларни ўрнатиб беришларини сўрадим.

Шундан кейин пулимни ундириш учун югуриб-елишларимнинг ниҳояси кўринмади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бир неча бор қилган мурожаатларим зое кетиб, анча вақтгача сарсон бўлдим.

Яхши инсонларнинг тавсияси билан Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилдим. Ҳақиқат бор экан, қисқа муддатда пуларимни қайтариб беришди.

Мен касабга уюшмалари халқининг химоячиси эканлигига амин бўлдим. Вақтида ёрдам қўлини чўзиб, мушқулимни енгиллатган Касабга уюшмалари Федерацияси мутасаддиларидан миннатдорман.

**Шахноза ОТАМАТОВА**

Марҳамат тумани

**«ХУМСОН»  
ДАРДИМГА  
ДАВО БЎЛДИ**

**Мен Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида яшайман ва шу тумандаги Ўзбекистон Либерал демократик партиясида аппарат раҳбари бўлиб ишлайман. Жорий йилда 60 ёшни қаршиладим. Соғлигимда муаммолар борлиги туфайли шифокорлар биророрта санаторийда саломатлигимни тиклашимни тавсия қилишди.**

Энг аввало, партиянинг вилоят кенгашидаги касабга уюшмасидан йўланма сўрадим. Сўнгга Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилдим. Мурожаатимни Федерациянинг Тошкент вилоятидаги кенгаши ўрганиб чиқиб, менга «Хумсон» санаторийсига имтиёзли йўланма тақдим этди.

Санаторийда кўнғилдагидек дам олдим, у ерда яратилган шароитлар ва фойдали даволаш усуллари менга жуда ёқди. Айниқса, ширинсўз тиббиёт ходимлари жонимга оро киришди. Турли вилоятлардан келган дам олувчилар билан танишдим, улар билан бундан кейин ҳам узилмас алоқада бўлиб туришни мақсад қилдик.

Қисқаси, «Хумсон» дардимга ҳам жисмоний, ҳам руҳий даво бўлди. Мен бундай гўзал ва баҳаво масканларга мунтазам бориб туришни астойдил кўнғилга туғиб қўйдим.

Шу ўринда менин мурожаатимни тезда ҳал қилиб берган Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясига катта раҳмат айтаман. Мана шу 1211 рақамли «Ишонч телефони» мудом ишлаб турсин. У туфайли ҳал бўлмаётган мурожаатлар ечимини топмоқда. Катта раҳмат сизга, яхши инсонлар!

**Каромат РАСУЛОВА**

Ўрта Чирчиқ тумани

Тақлил

**АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР ПАНД БЕРМАЙДИ**

**Инсон борки, ҳамини эҳтиётқанд. Акс ҳолда, бундан 120 йил илгари турли соҳа ходимлари ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилотни тузмаган бўларди.**

Диёримизда илк касабга уюшмалари 1905 йилда темирйўл ишчилари ва алоқа ходимлари томонидан ташкил этилган. Шундан сўнг тикувчи ва этикдўзлар касабга уюшмаси, ошпаз ва уй хизматкорлари касабга уюшмаси, матбаа ходимлари касабга уюшмаси, фельдшер аёллар ва хамширалар касабга уюшмаси каби ўнлаб тармоқлар жамоатчилик биллашуви тарафдорлари бўлиб чиқишган. «Русский Туркестан» газетасининг 1905 йил декабрдаги 264-сонида Тошкентда идора хизматчилари ва бухгалтерлар касабга уюшмасининг таъсис йиғилиши ўтказилгани ҳақида хабар чоп этилган эди.

Ўтган давр мобайнида касабга уюшмалари тарқаб кетмади, балки ривожланди. Сафи ҳар тарафлама кенгайди. Аъзоликнинг қонуний асослари тақомиллаштирилиб, мустақамланди, ижтимоий шериклик ривожланди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойларида сафимизга 70 та янги ташкил этилган корхона кўшилиб, аъзоларимиз сони 3201 нафарга кўпайди.

Бугунга келиб ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий

манфаатлари келишуви ва жамоа шартномалари асосида ҳимояланяпти. Янгиланган жамоа шартномаларига жами 46753 та банд киритилган бўлиб, ҳозиргача 45295 тасининг ижроси таъминланган. Айтиш керакки, мазкур ҳужжат асосида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 10 миллион 739 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 750 минг сўмга кўп. Эътирофли жихати шундаки, жамоа шартномасининг ижроси бўйича хисоботини эшитиш, таклиф ва эътирозлар билдириш барчага бирдек эмин-эркин.

Касабга уюшмалари фаолиятидаги янги давр, бу, айтиш мумкинки, туризм йўналишини ривожлантириш бўлмоқда. Ходимларнинг нафақат меҳнат жабҳасидаги ҳуқуқлари, балки маънавий ҳамда интеллектуал ривожланишига ҳам шароит яратилмоқда. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси қатор йиллардики, мамлакатнинг қадимий шаҳарларига туристик йўналишдаги саёҳатлар ташкил этишга бош

бўляпти. Биргина ўтган икки ойда Хоразм ва Тошкент вилоятларининг тарихий обидаларига ташкил этилган 2 ва 3 кунлик бепул саёҳатларга 50 нафар аъзомизни юбордик. Бошланғич касабга уюшма ташкилотлари томонидан уюштирилган зиёрат-саёҳатларда 1250 нафардан ортиқ тармоқ ходимлари қатнашган бўлса, яна 975 нафари ўз ҳудудида, 92 нафари Тошкент ва Бухоро шаҳарлари маҳобатидан баҳраманд бўлишди.

2700 нафардан ортиқ ишчи-ходимга театр томошалари ва 1000 нафардан ортиқ касабга уюшма фаолига таникли санъаткорларнинг концертларига чипталар олиб берилди. Бу тадбирларга иш берувчи ва касабга уюшмалари маблағлари ҳисобидан қарийб 120 миллион сўм сарфланди.

Соғлом ходим нафақат жамият, балки корхона учун ҳам керак. Бу амалдаги жамоа шартномаларида ўз ақсини тошган. Жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий суғурта ва касабга уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан 272 нафар ишчи ва уларнинг оила аъзолари республикамиз сihatгоҳларига юборилди. Ходимларнинг 1663 нафар фарзандлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олди.

Ўтган олти ой мобайнида тармоқ кенгашига келиб тушган 931 та ариза ва мурожаатларини хал қилдик. Қисқаси, хайрли тадбирлар тобора кенг қулоч бўлмоқда.

**Нормурад РАЖАБОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси

**СОҒЛОМ  
ХОДИМ НАФАҚАТ  
ЖАМИЯТ, БАЛКИ  
КОРХОНА УЧУН ҲАМ  
КЕРАК. БУ  
АМАЛДАГИ ЖАМОА  
ШАРТНОМАЛАРИДА  
ЎЗ АҚСИНИ ТОПГАН.  
ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ  
ЎТГАН ДАВРИДА ИЖТИМОЙ  
СУГУРТА ВА КАСАБА  
УЮШМА БЮДЖЕТИ  
МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН  
272 НАФАР ИШЧИ  
ВА УЛАРИНИНГ ОИЛА  
АЪЗОЛАРИ  
РЕСПУБЛИКАМИЗ  
СИҲАТГОҲЛАРИГА  
ЮБОРИЛДИ. ХОДИМЛАРНИНГ  
1663 НАФАР  
ФАРЗАНДЛАРИ  
ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ  
ОРОМГОҲЛАРИДА  
ДАМ ОЛДИ.**

**Ишчи-ходимларга қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиш, ўзи ёки оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирлар, туризм саёҳатлари уюштириш, ижтимоий ҳимоя, хуллас, барча йўналишларда касабга уюшмаларининг ҳиссаси ортгандан ортиб бораётган. Хусусан, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Навоий вилояти кенгаши фаолияти ҳам айни шу мақсадларга қаратилган.**

Фаолиятга назор

**ҲАҚИҚИЙ  
СУЯНЧ**



Ҳозирги пайтда кенгаш тармоқ тизимида 43 та ташкилот бўлиб, улар 32 минг нафар ходимни ўз атрофида бирлаштирган. Шу билан бирга, соҳага оид янги ташкил этилаётган муассаса, ташкилот раҳбарлари билан мулоқот, музокаралар олиб бориш орқали жамоа шартномаларини имзолаш, аъзоликка олинган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар қилиняпти.

– Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида «Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун!» деган ғоя мужассам. Одамларни рози қилиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш асосий мақсадимиздир, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимова. – Зимамиздаги вазифалар ижро-

риб келинаётган.

Ўз бурчи ва қасамига содиқ қолиб, фидойиликларини намойн этиб келаётган тиббиёт ходимлари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан бўлган, ёлғиз ўзи фарзанд тарбиялаётган соҳа ходимларига амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хусусан, ушбу тоифадаги ходимларнинг 570 нафар фарзанди учун янги ўқув йили арафасида ижтимоий акцияси ташкил этилиб, уларга ўқув қуроллари ва дарсликлар топширилди.

– Тармоқ ходимлари касабга уюшмаси Навоий вилояти кенгаши доимий равишда зарурий ёрдамларни кўрсатиб келмоқда, – дейди Навбахор тумани тиббиёт бирлашмаси хамшираси Дилдора Шукурова. – Меҳнатимизга муносиб рағбат топаётганимиздан кўнғилларимиз тоғдек кўтарил-япти.

– Касабга уюшма – ҳақиқий суянчимиз, – дейди Республика шохилинч тиббий ёрдам маркази Навоий вилояти филиали жарроҳлик бўлими хамшираси Гавҳар Сафарова. – Қачон бирор ёрдамга муҳтож бўлиб қолсақ ёки соғломлаштириш борасида зарурад туғилса, дарров қўмакка келишадди. Очк к мулоқот асноси ижтимоий аҳолимиз ўрганилади, нафақат ўзимиз, балки оила аъзоларимиз, фарзандларимиз ҳолидан ҳам хабар олинади. Албатта, бундан жуда ҳам хурсанд бўламиз.

Дарҳақиқат, бугун ҳар бир ишчи, ҳар бир киши касабга уюшмалари тимсолида ўзининг суянган тоғини, эркин ишлаш кафолатларини, ҳақ-ҳуқуқларининг мустақкам ва ишончли ҳимоясини кўряпти. Яқин йилларда эса вилоятда фаолият олиб бораётган нодавлат тиббиёт муассасалари тўлиқ касабга уюшма хизмати билан қамраб олинади.

**Умид ХУДОЙҚУЛОВ**  
«ISHONCH»



**УСТАМА  
ПУЛЛАРИ  
УНДИРИБ  
БЕРИЛДИ**

**Меҳнат жамоаларида ишлаб келаётган ишчи-ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касабга уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири. Шу боис Соғлиқни сақлаш ходимларининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторлари тиббиёт муассасаларида бўлиб, аъзоларга яратилган шароитлар ва иш ҳақларининг тўлиғини бўйича мунтазам ўрганиш ишларини олиб бормоқдалар.**

Хусусан, Марғилон шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида олиб борилган ўрганишлар давомида ушбу муассасада 2020 йилдан буён санитар врач ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган Ғайрат Мамадалиев ва унинг ҳамкасби Акмалжон Ахатовга устама пуллари тўланмаётгани маълум бўлди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатиға ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатиға ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 1.19 бандида санитария-эпидемиология хизмати муассасалари ходимларига «Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлган, уларда ишлаш ходимларнинг тариф ставкасига 15 фоиз миқдорда кўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган» лавозимларда санитария врачлари ёрдамчилари ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ушбу масала бўйича иш берувчига тақдимнома киритилган бўлса-да, иш берувчи турли важлар билан иккала ходимга ҳам устама тўлашни рад этган.

Мазкур иш судда қўриб чиқилди. Суднинг қарори билан Ғайрат Мамадалиевга 2020 йил декабрь ойдан 2023 йил октябрь ойигача ва шу йилнинг май ойи учун тўланмай қолган 15 фоиз устама пуллари – 10 млн. 325 минг сўм, Акмалжон Ахатовга 2020 йил декабрь ойдан 2023 йил октябрь ойигача ва шу йилнинг май ойи учун тўланмай қолган 15 фоиз устама пуллари – 10 млн. 782 минг сўм ундириб берилишига эришилди.

**Зафаржон ҚУРБОНОВ,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори





# ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР



◆ **Туризм ва маданий мерос  
вазирлигига!**

## ИШОНЧ ОҚЛАНЯПТИМИ?

Туризм йўналишига бугун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Уни ривожлантириш учун ҳатто алоҳида вазирлик ташкил этилди. Бироқ...

Масалан, Тошкент вилоятининг тоғли худудларида фаолият олиб бораётган масканларда бирон кун дам олиш кўпгина хориж мамлакатларида беш-олти, ҳатто ўн кун ҳордиқ чиқариб келишдан ҳам қимматга тушади. Хўш, вазирлик бу каби ҳолатларни бартараф этиш учун нимадир қилади?  
«Бу тадбиркорнинг ҳуқуқи», деб оғзимизга урманг. Тадбиркор фаолиятини чеклаш эмас, унинг жамият тартибларига риоя қилиши, Ўзбекистон халқи саломатлиги ва манфаати учун жон куйдирадиган ҳақиқий тадбиркорга айла-ниши, харажатлари ва даромадини реаллаштириш мақсадида вазирликдан халқчил қарорлар қабул қилишни кутсак бўладими?  
Ахир, давлат томонидан дам олиш зоналари обод бўлиши борасида, айни шу йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун озмунча имтиёзлар берилмапти-ку! Вазирлик ва ишбилармонлар бу маблағларни қандай оқлашяпти?

Амир АҲМЕДОВ

Тошкент вилояти

◆ **Иқтисодиёт ва молия  
вазирлигига!**

## АЪЗОЛИКНИНГ БОЖЛАРГА ТАЪСИРИ БЎЛАДИМИ?

Ўзбекистон Халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлмоқчи. Бу, ўз навбатида, амалдаги бир қатор тартибларни ўзгартириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишга олиб келиши аниқ. Хусусан, мамлакатимизга хориждан автомобиль импорт қилишда қўлланилаётган божларни кескин пасайтиришни талаб этади. Бу амалиётга қачон татбиқ этилади ва унинг фоидалари қандай бўлади?

Зухра АБДУРАҲМОНОВА

Қорақалпоғистон Республикаси



## БАДАЛЛАР САРҲИСОБИ ОЧИҚЛАНАДИМИ?

diplomat.uz эълон қилган статистикага қаралса, партияларимиз юз минглаб аъзоларга эга эканлиги намойён бўлади (**АЪЗОЛАР Сони** **O'ZLIDER - 1 МИЛЛИОН 620 МИНГ 239**, **«АДОЛАТ» - 1 МИЛЛИОН 109 МИНГ 458**, **«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» - 762 МИНГ 014**, **ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ - 704 МИНГ**, **ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ - 638 МИНГ 005 НАФАР**).

Шунча аъзога эга партияларнинг аъзолик бадаллари сарҳисобини ҳам билсак бўладими?

Нигора РАҲМОНБЕРДИЕВА

Тошкент вилояти



O'ZBEKISTONDAGI  
SIYOSIY PARTIYALAR

◆ **Соғлиқни сақлаш ва Адлия вазирликларига!**

## ЯНГИ ТАРТИБ ҚАЙСИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАДАН ОЛИНДИ?



Маълумотларга кўра, тез фурсатларда бизда ҳам тиббий суғурта жорий этилади. Хўш, ушбу ишлар қайси мамлакатларнинг тажрибаси асосида амалга оширилади ва қай жиҳатлари биз учун мақбул? Умуман, бу тизимнинг аҳолига қулайлиги ҳақида нималар дейиш мумкин?

Аслида жамоатчиликка бевосита алоқадор янги тартиблар амалиётга жорий қилинишидан аввал муҳокамага қўйилиши керак эмасми?

Нодир ПАРДАЕВ

Сурхондарё вилояти



◆ **Ўзбекистон халқ демократик партиясига!**

## БУ ФИКРМИ, ҒОЯМИ ЁКИ ТАШАББУС?

Яқинда ХДП раҳбари солиқларни табақалаштириш лозим, деган фикрни илгари сурди. Аввало, бу фикрми, ғоями, ташаббусми, шунини аниқлаштириб берсангиз? Агар ташаббус ёки ғоя бўлса, қўшимча савол: Ўзбекистон амалдаги тартиб билан яширин иқтисодиёт улушини камайтиришга ҳаракат қилмоқда ва ижобий натижалар ҳам йўқ эмас. Партия раҳбари илгари сураётган таклифнинг айни мана шу жиҳатга жавоби борми? Акс ҳолда, навбатдаги пиардан ўзга нарса бўлмай қолади.

Ўринбой ИСРОИЛОВ

Жиззах вилояти

◆ **Ўзбекистон экологик партиясига!**

## ПАРТИЯ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА НИСБАТАН ҚАЧОНГАЧА СУКУТ САҚЛАЙДИ?

«Яшил макон» доирасидаги ишларимизга разм солган киши ҳисоботларда баланд чўққилар кўзлангани, амалда эса ижро ҳаминқадарлигини кўради. Бунини партия раҳбарияти ҳам эътироф этиб келмоқда.

Партиянинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси нима учун бюджетдан ажратилаётган миллиардлаб сўм маблағлар ноқонуний сарфланаётгани, турли

коррупцион схемалар мавжудлиги, ёлғон маълумотлар миқёси катталигидан келиб чиқиб, соҳадаги қонунбузарликларга нисбатан кескин чоралар кўриш ва жазолар бел

гилаш масаласини узил-кесил парламент кун тартибига қўймапти?

Шахриддин МЕҲРОВ

Сурхондарё вилояти





17 сентябрь - Абдулла Қаҳҳор таваллуд тоған кун

# Абдулла Қаҳҳор сайёраси



«Сароб», «Кўшчинон чироқлари», «Синчалак», «Мухаббат», «Ўтмишдан эртактлар», «Олтин юлдуз», «Шохи сўзана», «Аяжонларим», «Оғрик тишлар», «Тобутдан товуш», «Бемор», «Анор», «Ўғри», «Адабиёт муаллими»...

Бу асарлардаги ўнлаб, юзлаб ёрқин ва мукамал бадиий образлар Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофотлари лауреати Абдулла Қаҳҳор томонида фавкулда маҳорат, юксак эстетик дид билан яратилган адабий сайёранинг турли дунёқарашга, турли маънавий кўёфага эга фуқароларидир.

Абдулла Қаҳҳор - жаҳон тан олган ёзувчи. Боиси унинг адабий сайёрасида ўзимизнинг Ер сайёрасида яшаган, яшаётган, бундан кейин ҳам яшайдиган ажойиб ўзбек халқи вакиллари акс эттирилган. Улар бу гўзал юртни, бир-бирини севади, ҳаёт кувончларидан куладилар, турмуш ташвишларидан куйинадилар, кимсат қайгуларидан оқ чекадилар, келажакка ишонч билан қарайдилар. Бир ибора билан айтганда, жаҳон адабиёти жўғрофиясининг ҳозирги замон ўзбек адабиёти отлиғ харитасида Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулوم ва бошқа улуглар сафида Абдулла Қаҳҳор деган атоқли ва ардоқли адиб, сўз зарғари ҳам бор.

Унта бўлса ўрни бўлак, дейдилар. Йигирманчи аср ўзбек адабиётида Қодирий авлодидан кейин насл, назм, драматургияда кўплаб ижодкорлар қаторида ёрқин истеъдодга эга но-сир, иктидорли драматург, бакувват таржимон, томмас ташкилотчи Абдулла Қаҳҳор феномени юлдуздек чарақлади. Абдулла Қаҳҳор ўзининг уч нафар замондоши, уч нафар кадрдон дўсти - Ойбек, Ғафур Ғулум, Мақсуд Шайхзода билан деярли қирқ йил адабиётимиз равнақига холис хизмат қилди.

Нафақат ҳозирги замон ўзбек, балки туркий халқлар адабиётининг ёрқин вақилига айланган Абдулла Қаҳҳор 1907 йилнинг 17 сентябрида Қўқон шахрининг Кўмирбозор (Ғиш-қўприк) маҳалласида темирчи оила-сида дунёга келди. Ўрта мактабда, Қўқон педагогика билим юртида, кейинчалик Ўрта Осиё давлат универси-тетинда таълим олди. 1926 йилдан бошлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида, «Ўзбекистон шўро адабиёти» журна-лида, Ўзбекистон Бадиий адабиёт дав-лат нашриётида ишлади.

Кўпчиликида маълумки, 1934 йил баҳорда Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-маси тузилди ва унинг биринчи курул-тоида Раҳмат Мажидий уюшма бош-қаруви раиси этиб сайланди. Бошқар-увнинг ўша йили 1 июль кuni бўлиб ўтган мажлисида Абдулла Қаҳҳор Ёзув-чилар уюшмаси аъзоллигига номзод, бироз ўтгач эса, аъзо килиб олинди. Уюшма 1935 йилнинг 18 мартида Аб-дулла Қаҳҳорнинг алоҳида ижодий ке-часини ўтказди. Чунки бу вақтгача Ўзбекистон Бадиий адабиёт давлат нашриёти 1932 йили адабиёт «Қиш-лок ҳукм остида», 1933 йили «Олам яшаради» тўпламларини chop этган, «Қотилнинг туғилиши» асари Тошкент ва Бокунда чиқарилган, истеъдодли адиб «Сароб» романини ёзиб тугатган

эди. «Сароб» романи учун берилган мукофот адибга Москва саёхати учун имкон яратиб беради. Саёхатдан адиб А.Пушкин, Л.Толстой, Н.Гоголь, А.Че-хов, Ж.Лондон каби классикларнинг сара асарларидан иборат олти кутти китоблар билан қайтади. «Уша кувдан бошлаб рус адабиёти дарёсига шўнғиб кетдим», деб ёзади адиб.

Чехов асарларини меҳр билан муро-лаа қилган адиб устоз Чўлпон изидан бориб, бу дурдона асарларни таржима қилишга киришти. 1944 йили Ўзбеки-стон Бадиий адабиёт давлат нашриёти Абдулла Қаҳҳор таржимасида А.П.Че-ховнинг «Нико́б», «Евуз ниетли киши», «Ғам», «Лозим чоралар», «Нолиш», «Се-миз ва ориқ», «Каштанка», «Унтер При-шибеев», «Ғилоф бандаси» ва бошқа хикояларини chop этди. Шу ўринда таъ-кидлаб ўтиш керакки, мазкур нашриёт 1936 йили А.Қаҳҳор таржимасида ади-бининг «Каштанка» хикоясини лотин им-лосида чиқарган эди.

Чехов булоғидан қониб-қониб зило-сув ичган адиб ўзининг ажойиб хикояларини ярата бошлайди. 1936 йили ёзилган «Бемор» хикоясидаги куйидаги матнга қаранг: «Сотиболди-нинг хотини овариб қолди. Сотиболди касални ўқитди - бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллахондай бир хотин келиб толнинг чилпинчи билан савалади, товуқ сўйиб қонлади... Бу-ларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вақтларда шўрон чўзи-лади, иначка узилади...».

Адиб ўз халқининг оғир, ма-шаққатли, мушкулотларга тўла, оч-наҳор турмушини реал акс эттирди. Нафақат «Бемор», балки ўша чоғлари ёзилган новелларлар туркумига ман-суб барча хикояларда олдий халқ ха-ёти бутун борлиги билан ёфога этил-ган. Айнан ўша йили ёзилган «Ўғри» хикоясидан бир парчага эътибор қил-нинг: «Камир тонг қоронғисиди ха-мир қилгани туриб, ҳўкиздан хабар олди. О!.. Ҳўкиз шўк, оғил куча томон-дан тешилган... Деҳқоннинг уйи кўйса кўйсин, ҳўкизи шўқолмасин. Бир қоп сомон, ун-ун бешта ҳода, бир арава қамиш - уй, ҳўкиз топшиш учун неча за-монлар қозонни сувага ташлаб кўйиш керак бўлади...».

Ўйқолган ҳўкизнинг топилиши у ёқда турсин, камбағали туянинг устида ҳам ит қонганди, маҳаллий поражўр амалдорлар Қобил бобонинг сўнгги нониғача тортиб оладилар. Адиб «Хотинлар» хикоясида эса уруш даври машаққатларини рўй-рости-гича чизиб беради.

Абдулла Қаҳҳор профессионал ижод билан бирга доимо адабий жа-раёнда фаол иштирок этди. Адиб тар-жимайи ҳолида 1937 йилнинг 17-27 май кунлари алоҳида ўрин тутди. У ҳам-касболлари билан Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида катнашади, бир қатор пешқадам ёзув-чилар билан танишади, асарлари тар-жима учун танлаб олинади. 1939 йил-нинг 27 апрелида, яъни Ўзбекистон шўро ёзувчиларининг Иккинчи съезди яқинида бошқарув аъзоси килиб сай-ланади. Адиб асарлари Бутуниттифоқ

минбарига чиқади. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг раҳбари Ха-мид Олимжоннинг бевакт вафотидан кейин ижодий ташкилотга Ойбек, Ша-роф Рашидов, Уйғун бошчилик қил-дилар. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бошқарувининг 1954 йилнинг 13 ав-густ кuni бўлиб ўтган пленумида Аб-дулла Қаҳҳор раис этиб сайланди. У раис сифатида шўро ёзувчиларининг 1954 йил 15-26 декабрь кунлари Мос-сквада ўтказилган Иккинчи Бутунит-тифоқ съезидида ҳамкасблари Ойбек, Ғафур Ғулум, Уйғун, Коми́л Яшин, Зул-фия, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Ҳаким Назир, Мирмуҳсин ва бошқалар билан бирга иштирок этди. 20 декабрь кuni съезида сўзга чиқди.

Замон сенга боқмаса сен замонга боқ, деган гап бор. Бу ибора Аб-дулла Қаҳҳорнинг шўро адибларининг Иккинчи Бутуниттифоқ съезиди-га нутқиға бевосита тааллуқли бўл-масча ҳам, барча маърузалар маълум маънода «Агитпроп» назаридан ў-гани аёнидир. Шунга қарамасдан, маъ-рузада ўткир сатрлар бисёр. Адиб ўз маърузасини «Шўро адабиётининг оламшумул аҳамайти унинг кўпмил-латли қиёфага эга эканидадир», деб бошлайди. Қардош адабиётлар бир-би-рини бойитиши қераклигини алоҳида таъкидлайди. Ўзбек адибларининг асарларини таржима қилган ўн олти нафар рус адиб ва таржимонига рах-мат айтади. Кейин «Миллий адабиёт-лар ривожига ўртоқ А.Сурков докла-дида ҳам, бошқа маърузаларда ҳам етарли эътибор берилмаган. СССР Ёзувчилар союзи бошқаруви бу маса-лага юзак қараган. Мен ҳудди шундай деб ўйламан!», деб дангал гапиради. Самад Вургуннинг поэзия ҳақидаги докладыда Ҳамза номи айтилмагани-дан афсусланади. Йигирма йил ичида ўзбек адиблари ўнта мағзи тўқ роман-лар ёзгани, «Ойбек, Ойдин, Парда Тур-сун ижоди ўзбек реалистик прозасига муҳим хисса бўлиб қўшилгани»ни таъ-кидлайди. «Ақлли, қизиқарли ва ки-тобдонни эртанги ёруғ кунларга чор-лайдиган асарлар ёсайлик!», дейди. Ва «республикада рус адибларидан Сер-гей Бородин, Михаил Шеве́рдин, Алек-сандр Удалов, Владимир Мильчаков, Владимир Липко, Валерий Артищев, Андрей Иванов, Рафф Ғалимов, Вячес-лав Костяра, Светлана Сомова, Ко-мил Файзуллин сермахсул ижод қи-лаётгани»ни қайд этади.

Ўтган асрнинг ўрталарида шўро-лар салтанати тобора ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, кўрик ерларни ўзлаштириш маса-ласига алоҳида эътибор берди. Шу муно-сабат билан Абдулла Қаҳҳор 1950 йили «Шохи сўзана», яъни «Янги ер» пье-сасини ёзди. У республика ва марказ театrlаринида саҳналаштирилди. 1952 йили «Шохи сўзана»га 3-даражали давлат мукофоти берилди.

- Рус драматурги Николай Погодин Абдулла Қаҳҳорнинг «Янги ер» («Шохи сўзана») драматини «талантли комедия» деб атаган, - деб ёзган эди адиб ижоди ҳақида алоҳида китоб битган атоқли олим, филология фанлари док-тори Ҳафиз Абдусаматов. - Бу баҳода катта ҳақиқат бор. Кичик хикоялари

билан шухрат қозониб, «Ўзбек Че-хови» деган номга муяссар бўлган, романчиликда ҳам машҳур Абдулла Қаҳҳор адабиётнинг қийин жанрида катта ютуқларга эришган эди. Ушбу комедия туғайли адибнинг номи бу-тун мамлакат ва жаҳонга тарала бош-лади. «Янги ер» давлат мукофоти билан тақдирланди, юзга яқин театрлар-нинг саҳнасини беэади, чет эллардаги катта театрларда саҳнага кўйилди.

Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида Ўз-бекистон ФА академиклари Матёкуб Кўшчинов, Азиз Қаюмов, Салоҳид-дин Мамажонов, Наим Каримов, Ўз-бекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Тўлепберген Қаипбергенов, Озод Ша-рафидинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров ҳамда бо-шқа таниқли адиблар, шоирлар, адаби-ётшунослар қимматли илмий ишлари, мақолалари, хотиравларини эълон қи-лишди. Адабиётшунослик фани атоқли ва ардоқли адиб ижодиға муносиб баҳо бериб келмоқда. 1957 йили иктидорли оlima Ирина Бороланиннинг 204 бетли «Абдулла Қаҳҳор. Очерк творчества» китобининг chop этилиши катта воқеа бўлган эди.

«Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» китоби адиб хотирасига кўйилган ўзига хос обида бўлди. Ўз-бекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов сўзбошии битилган китобда Николай Тихонов, Берди Кербобоев, Констан-тин Симонов, Жалол Иқромий, Лидия Бать, Ғабит Мустрепов, Иван Ле, Гаре-гин Севунц, Леонид Ленч, Вера Смир-нова каби қардош адибларнинг дил сўзлари бор. Китобни нашрга ади-бининг севимли рафикаси, «Чорак аср ёнма-ён» эссеи муаллифи Кибриё Қаҳҳорова ва шоир Отаёр тайёрлаган-лар.

Адиб таваллудининг 80 йиллиги нишонланган 1987 йилда Тошкент шахрининг Юнус Ражабий кўчаси-даги адиб яшаган хонадонда «Абдулла Қаҳҳор уй-музейи» очилган эди. Шун-дан бун бу ер адиб мухлислари меҳр кўйган муқаддас масканга айланди. Унда адиб ҳаёти ва ижодиға доир бир неча минг экспонат бор. Уларни кўпайтиришда Санобар Матлюбова раҳбарлик қилаётган музей жамоа-си жонбозлик кўрсатмоқда. У ерда адибга замондош ижодкорларнинг му-борак дастхатлари битилган кўплаб китоблар бор. Шунингдек, адибнинг жаҳоннинг қатор тилларида босилган китобларидан намуналар кўйилган.

Атоқли адибнинг серкирра ижоди дунё меридианларини нафис сўз билан забт этмоқда. Абдулла Қаҳҳор сайё-раси жаҳон адабиёти галактикасида ўзининг муносиб ўрнини янада мус-тахкамлайди. Чунки давлатимиз раҳ-бари раҳнамолигида ёппасига китоб-хон мамлакатга айланётган Янги Ўз-бекистон халқ «Сароб» ва «Синчалак» муаллифининг адабий меросини ар-доқлаш борасида қатор эзгу ишларни рўёбга чиқаришига шак-шубҳа йўқ!

Янгибўри КЎҚОРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими,  
ёзувчи ва таржимон

# Қ К У Л Ф А Т К Е Л Т И Р А Р

Кейинги икки-уч ойда автобусда ҳам, тўй-томошада ҳам, кафе-барларда ҳам бир хил сўхбат давом этаётгани:  
- Лайк босдингизми?  
- Неча долларлик пакетдасиз?  
Энди ўша сўхбатлар ўзгача тус олди:  
- Бизни алдашди...  
- Топганлари буюрмасин...  
- Ички ишларга ёздингизми?  
Гап шундаки, интернетдаги фильмларга лайк босиб, даромад қилишга асосланган мо-лиявий пирамида кулади, платформа ағалари хакерлар ҳўжум қилганини айтишди. Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси эса жиноят иши кўзғатилганини маълум қилди. Расмий ахборотда келтирилишича, жорий йилнинг 3 сентябрида вилоят ички ишлар бошқармасига бир гуруҳ фуқаролар томонидан қилинган мурожаатга асосан, ижтимоий тармоқлардаги «АП» платформаси фаолияти ўрганилган. Урганиш жараёнида ушбу платформа айтини пай-дада ўз фаолиятини номаълум сабабга қўра тўх-татгани ва мурожаат қилувчи шахсларга жу-да кўп миқдорда моддий зарар етказгани маъл-ум бўлган. Шундан келиб чиқиб, мазкур хо-лат юзасидан вилоят ИИБ ҳўзуридаги тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Респуб-ликаси Жиноят кодексининг 188-моддаси 3-қисми «а», «в» бандлари (Пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноко-нуний фаолият) билан жиноят иши кўзғатил-ган.  
Ички ишлар органлари эшиги «жабрдий-далар» билан гавжум бўлиб қолди. «Тез ёр-дам»да ишлайдиган ҳамширанинг айтишича, хар уч чакirik эгасидан икки нафари мо-лиявий пирамидага пул тиккани ақибада қон босими ошиб кетган, юраги хуруж қилганлар-дан. Афсуски, бу одамлар чув тушган биринчи пирамида эмас.  
Кейинги йилларда турли кўринишдаги он-лайн кимор уйинлари ҳақида кўп эшитилмиз. Алап-окибат уларнинг аксарият иштирокчи-

лари турли касалликларга дучор бўлишмоқда ва...  
Яқинда узок йиллар мактаб директори бў-либ ишлаган киши оламдан ўтди. У қандайдий «Х» уйинга жуда катта миқдорда пул тиккан экан. Ютқазгач, юраги хуруж қилиб қолибди. Яна бир аёл ўгли кетма-кет онлайн киморда бой бергани сабабли инсульта қалиниб, ўзига келмаган.  
Тўлов, тикиш учун кимлардир уйини, ма-шинасини сотган, кимдир ҳўкизини. Ким кредит олган, айримлар қарз қўтарган. Кўп-чилигининг тайинли иши, етарли даромади бор. Топганига қаноат қилмасдан, яна ва яна бойиш, осон пул топиш истаги уларни бор-будидан айирди.  
Яқинда қўлаган пирамида нафсимизни яна бой бур синовдан ўтказди. Кўзимиз очлигини, бу дунё молига тўймаглигимизни кўрсатди. Ҳаромдан ҳазар қилмаслигини, мўмай да-ромада иштиғкимиз баланглигини исбот-лади. Бу йўлда на қонунларини, на динни тан олмаслигимиз ошкор бўлди.  
Энди эса ҳаммага адолат керак бўлиб қолди. Ҳамма «жабрдийда». Гўёки оқибатини билмаган. Нима, киморга пул тикгаётган-ғизда таваққал қилаётганингизни билмаган-симиз?  
Энг ачинарлиси, айримлар «Энди кимор ўйнамайман!» дейиш ўрнига янги пирамида чиқса, биринчилардан бўлиб кўшилиш иста-ғиди...  
Молиявий пирамидалар минг-миглаб юртолларимизни шопшир қўймоқда. Бу ни-манинг оқибати? Эътиқод сустлиғими? Ҳалол йўл билан даромад қилиш имкониятлари кам-лиғими?  
Бу ҳаётда ўзгалар хатосидан қулоса чи-қарш керак. МММ, Ахмадбой каби ўнлаб тавак-калчиликка асосланган лойиҳаларини ҳеч били халқка наф келтирмаса. Энди эса осон пул топиш истағида бордини бой берганлар жа-миятини яна таҳликаға кўйишяпти.



Онлайн киморбозлик бутун дунёда кенг тарқалиб бормоқда. Тадқиқотчилар фикрича, дунёда киморбозларнинг 30-40 фоизи молия-вий муаммоларга дуч келгани, 30-40 фоизи оиласидан ажрашгани ёки оилавий муноса-батлар дарз кетгани, уйинга муккасидан бер-илганларнинг 60 фоизи жиноят содир этиши, 10 фоизи ўз жонига қасд қилиши аниқланган.  
Кимор камбағалчиликка йўл очади. Аҳо-лининг харид қувватини пассивиради. Кўп-чиликнинг қозонида гўшт қайнамайди. Кий-им-кечак олмайд. Курилли қилмайди. Булар эса ҳаёт сифатиға, саломатликка бевосита таъсир қилади.  
Баъзи бировлар совурилган пулларини бош-қўзимдан садақа дейишмоқда. Нимаси садақа? Агар шу пулни етим-есир ёки оғир дардга қалинган танишимиз сўраганида бе-рармидик?  
Нафсини тийелмаслик, ҳашамга берилиш оқибатида қандай қилиб бўлмасин пул топиш бош мақсадга айланган. Киминдир алдабми, фибриб берибми, пора олибми, ўғирлик қи-либми, фарқи йўқ, пул топсақ, бас...  
Киморга, маишатга муккасидан кетиш заиф нуқталаримиз кўплигидан далоят. Де-мак, миллат зиёлилари лаганбардорлиғу мад-дохликни бир четга суриб, маънавиятимиз-даги хасталикларга шифо излайдиган фурсат келди (агар ўтиб кетган бўлмаса). Халқимиз-нинг «Харом луқма ош бўлмас» деган мақоли мағзини чақсақ, алдовларга камроқ учиб, хо-лол ризқ топиб, фаровон турмуш кечирши-мизга асло шубҳа йўқ.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА  
«ISHONCH»

Эълон

**Тошкент архитектура-курилиш университети янгиланган ташкилий тузилмасига мувофиқ кафедра мудири лавозимларига танлов эълон қилади!**

**Тошкент архитектура-курилиш университети факультетларига бириктирилган кафедра:**  
«Архитектура», «Архитектура ёдгорликлари», «Шахарсозлик», «Дизайн», «Муҳандислик графикаси», «Иқтисодиёт ва кўчмас мулк», «Менежмент», «Ҳорижий тиллар», «Курилишда ахборот технологиялари», «Шахар инфратузилмаси», «Ўзбек тили ва адабиёт», «Курилиш муҳандислиги», «Курилиш механикаси ва сейсмик муҳандислик», «Бино ва иншоотлар курилиши», «Гидротехника ва геотехника муҳандислиги», «Курилиш материаллари ва конструкциялари технологияси», «Курилиш ва атроф муҳит муҳандислиги», «Математика ва табиий фанлар», «Муҳандислик коммуникациялари», «Геоматика муҳандислиги».

Танловда катнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 9-уй, Бино бино, 601-хонада қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
+998 55 508 50 06,  
+998 99 813 05 17.

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalar federatsiyasi  
ISSN 2010-5009  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqm bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMONOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla SHIRMUQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARENVAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir **Husan ERHATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalar hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahriiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Navbatchi muharrir:**  
Z. Rihsiyev

**Musahhihlar:**  
D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:**  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 21:50  
Topshirildi – 22:10

**Bahosi keltirilgan narxda**  
Manzillimiz:  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi 35 027 ta**  
**Shundan:**  
7 145 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;  
19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;  
8 799 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma G-911  
1 2 3 4 5 6